

## Бақара сураси, 38-оят

10:15 / 19.08.2017 4486

**Биз: «Ундан ҳаммангиз тушинг. Бас, агар Мендан сизга ҳидоят келсаю, ўшанда ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар», - дедик. Бақара 38.**

Яъни Аллоҳ таоло:

**«Ундан ҳаммангиз тушинг», - деди.**

Бу фармоннинг яна бир бор такрорланиши таъкид учундир.

**«Бас, агар Мендан сизга ҳидоят келсаю...»**

Аллоҳдан бандаларига келадиган ҳидоят пайғамбар ва илоҳий китоблардан иборат бўлади. Демак, Аллоҳ ҳидоятга йўллашини, пайғамбар ва китобларини юбориб туришини аввал бошданок айтиб қўйган. Одамлар ушбу илоҳий ҳидоятга бўлган муносабатларига қараб, турли мартабаларга бўлинадилар.

**«...ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».**

Яъни «Ким Аллоҳнинг ҳидоятига - Пайғамбарига ва Китобига эргашса, уларга келажакда ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар аввал бўлиб ўтган ишлардан хафа ҳам бўлмайдилар».